

Охиратнинг дунёдан афзаллиги

19:11 / 02.12.2016 4402

Ислом руҳ билан жасад орасида ўртача йўл тутиб, икковлари тенг даражада, деб қўйган эмас. Балки Аллоҳнинг ҳикмати тақозоси билан, Ислом илм ва табиат қонунларига асосан бино қилинган. Илм айтадики, «Соғ танда - соғ ақл». Руҳий тараққиёт тананинг кўп ҳожатларидан маҳрум қилиш орқали ҳосил бўлмайди, балки ўша ҳожатларни ўртача ҳолда қондириш лозим, шу билан бирга Қуръон таъкидлаб ўтадики, охират ҳаёти - бу дунё ҳаётидан яхшидир. Ҳар бир мусулмон учун кўзлаган мақсади, руҳий камолотга эришишдир. Шунинг учун Аллоҳ охиратга яхши ишлар билан тайёргарлик кўрмай, бу дунё ҳаётига берилиб кетишдан қайтаради.

«Худ» сурасида шундай дейилган: **«Кимки бу дунё ҳаётини ва унинг зийнاتини хоҳласа, бу борадаги амалларининг (самараси)ни тўлиқ берурмиз. Улар бунда камситилмаслар. Ана ўшаларга охиратда дўзах оловидан бошқа ҳеч вақо йўқдир. Бу дунёда қилган ишлари ҳабата бўлди ва қилган амаллари ботил бўлди»** (15 - 16-оятлар).

Аллоҳ таоло ўзига яқин бандаларини шундай сифатлайди: **«Ва тақво қилганларга: «Роббингиз нимани нозил қилди?» дейилди. Улар: «Яхшилиқни», дедилар. Чиройли амаллар қилганлар учун бу дунёда чиройли (мукофот) бордир. Албатта, охират диёри яхшироқдир. Роббиларининг диёри нақадар яхшидир»** («Наҳл» сураси, 30-оят).

Қуръони Каримда охиратнинг бу дунёдан афзаллиги турли оятларда айтиб ўтилган. Мисол учун «Анкабут» сурасида шундай дейилган: **«Бу дунё ҳаёти фақат ўйин-кулгидан иборатдир. Агар билсалар, охират диёри, ана ўша ҳақиқий ҳаётдир»**(64-оят).

«Анфол» сурасида эса: **«Сизлар дунёнинг ўткинчи матоҳини истарсизлар. Аллоҳ эса, охиратни истар»** дейилган (67-оят).

Бу дунё ҳаётидан афзал охират ҳаёти борлигига ишониш, дунёда мусибат етган, азобда қолган кишилар учун кўнглини тинчлантиради. Шунингдек, бу эътиқод мўминлар ҳаётида ноумидлик, муваффақиятсизлик содир бўлган дамларда уларни янги руҳий қувват билан қувватлантириб, бу мусибатларга нисбатан бардошли бўлишга чорлайди.